



## ИЧИМЛИК ТАРМОҚЛАРИ ВА ИНШОТИ ҚУРИЛИШИ

### ТЕХНИК ШАРТ № 331

**Буюртмачи:** Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси.

**Иншоотнинг номи:** Яккабоғ туман “Қайрағоч” маҳалласидаги Қайрағоч ва Чуброн кишлоқларига ичимлик сув тармоқлари қурилиши.

**Манзили:** Яккабоғ туман “Қайрағоч” маҳалласи.

### І.ИЧИМЛИК СУВИ ТАРМОҒИГА УЛАНИШ БУЙИЧА.

1. Ичимлик сув тармоғига уланадиган жой: “Қайрағоч” маҳалласидаги Қайрағоч ва Чуброн кишлоқларини ичимлик сув билан таъминлаш учун сув минораси қуриш ва ичимлик сув тармоқлар тортиш лойихада аниқлансин.

2. Уланадиган ичимлик сув қувури диаметри: Гидравлик ҳисоб-китобга кўра аниқлансин.

3. Истеъмолчи ичимлик сув тармоғига уланган нуктага қузатув қудуги қурилсин ва зулфин (задвижка) ўрнатилсин.

4. Уланиш нуктасига замонавий сув ўлчаш асбоби ўрнатилсин (уланган нуктага ва ҳар бир хонадонга).

### ІІ.ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР.

1. Лойihalаштирилаётган ичимлик сув тармоғи чуқурлиги ва ўрни топотасвир ёрдамида аниқлансин, тармоқ чуқурлиги ва ўрнини белгилашда мавжуд ичимлик сув тармоқларининг жойлашуви ва чуқурликлари инобатга олинсин.

2. Ажратилган ер майдонида қурилиш даврида ёнидан ўтувчи ичимлик қувурларини муҳофаза зонасини сақлаш шарт.

3. Техник шарт лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш учун берилди.

4. Ичимлик сув қувури тармоғининг тайёрланган дастлабки ЛСХ “Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ билан келишилсин.

5. Техник шартнинг амал қилиш муддати берилган кундан бошлаб икки йил.

Асос: “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Қашқадарё вилояти филиалининг 25.10.2022 йилдаги №782-сонли хати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 апрелдаги №408-сонли қарори, Яккабоғ туман сув таъминоти филиалининг 31.10.2022 йилдаги техник ҳулосаси.

**ИЧТВ бошлиғи**

**К.Қўйбоқоров**